



POLAND



POLAND

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси катта ўқитувчиси, майор

Эшмуродов Бехруз Нормурод ўғли

Кундузги таълим 3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20354120>

Аннотация: жамоат жойида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, тамаки маҳсулотининг блоки, тамакига қарамлик, тамакини қиздириш, тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, тамаки маҳсулотлари турлари, носвой, чекилмайдиган тамаки маҳсулоти, чилим, электрон сигарета ва бошқалар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: жамоат жойи, тамаки, тамаки маҳсулотининг блоки, тамакига (никотинга) қарамлик (бундан буён матнда никотинга қарамлик, тамакили снюс, тамакини қиздириш тизими, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, тиббий огоҳлантириш, никотинли суюқлик, носвой, чекилмайдиган тамаки маҳсулоти, чилим, электрон сигарета.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ўз-ўзидан юз бермайди. Девиант хатти-харакатлар ҳеч қачон сабабсиз вужудга келмайди. Ўзи учун "роҳатбахш" лаззат олувчи ёт моддаларни қабул қилувчи ўсмирлар ёки инсонларда ҳам ўзини бошқара олмаслик, инсонларга нисбатан нотўғри мулоҳазалар шаклланади. Ўзларини идора этолмасликлари мустақил фикрлаш йўқлиги ва онгнинг захарланиши натижасида ҳам бу ҳуқ-атворнинг бузилиши юзага келади. Жамиятдан яқинларидан ажралиб, нафрат ва норозиликларини купайтиради.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жамиятимиз ҳаётига ижтимоий анъаналар, аксарият ҳолларда, расмий тадбирлар ва байрамларнинг элементи сифатида кириб келиб, мустаҳкам ўрнашиб қолди ва таассуфки, вақт ўтказиш усуллариининг, айримлар учун эса мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос воситасига айланиб қолди. Аҳолининг аксарият қисми тамки маҳсулотларини истеъмол қилишни жамиятда жорий этилган, инсонлар орасидаги ўзаро муносабат меъёрлари



POLAND



POLAND

ва қоидаларига зид қиладиган хулқ-атвор шаклларида бири сифатида эътироф этмайди. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиниши оммавий онгда ҳаёт тарзининг кундалик аломати, маиший маданиятнинг дахл этилмайдиган қисми сифатида гавдаланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонунида асосий тушунчалар берилган.

Чекиш, шу жумладан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланган ҳолда чекиш учун, шунингдек шимиш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда истеъмол қилиш учун хом ашё сифатида тўлиқ ёки қисман тамаки баргидан ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмларидан тайёрланган маҳсулотлар (бундан қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дори воситалари мустасно) тамаки маҳсулотларидир.

тамаки — тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё олиш мақсадида етиштириладиган, *Nicotiana Tabacum* ва *Nicotiana Rustica* турларига тегишли итузумдошлар оиласига мансуб бўлган *Nicotiana* навидаги ўсимлик.

жамоат жойларида тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар — тасарруфида (мулкида, эгалигида, фойдаланишида) жамоат жойларида жойлашган ҳудудлар, бинолар (хоналар), иншоотлар ва бошқа объектлар, шунингдек жамоат транспорти бўлган жисмоний шахслар ва (ёки) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар.

тамаки маҳсулотининг блоки — тамаки маҳсулотларининг муайян миқдордаги истеъмол ўровларини (қутиларини) ўз ичига олган гуруҳли истеъмол идиши бирлиги;

тамаки маҳсулотининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўрови (қутиси) — тамаки маҳсулотини ва (ёки) тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасини бевосита жойлаш ва уни охириги истеъмолчига реализация қилиш учун мўлжалланган, транспортда ташиш ва сақлашнинг тайёрловчи томонидан белгиланган шартларига риоя этилганда кафолат муддати ичида уларнинг истеъмол хоссалари сақланишини таъминлайдиган ўров;



POLAND



POLAND

тамакига (никотинга) қарамлик (бундан буён матнда никотинга қарамлик деб юритилади) — тамаки маҳсулотига (таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотга) патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик;

тамакили снюс — тўлиқ ёки қисман тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмидан, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамакининг майда зарраларидан ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган ҳолда тайёрланган, сўриш (шимиш) учун мўлжалланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

тамакини қиздириш тизими — қиздириладиган тамаки маҳсулотларини чекиш учун мўлжалланган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютилиши мақсадида никотинли аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган электрон мослама, шу жумладан алоҳида ёки бирга сотилишидан қатъи назар, бундай мослама билан бирга фойдаланиш учун тайёрланган ҳар қандай буюм ёки қисм;

тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари — таркибида никотин бўлган ёки никотин бўлмаган истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозолни (буғни, тутунни) олиш учун фойдаланиладиган электрон ёки бошқа асбоблар (мосламалар), шу жумладан никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, тамакини қиздириш тизимлари, чилимлар, трубкалар, муштуклар, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари ва элементлари (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

никотин — тамакининг барглари ва поялари таркибида мавжуд бўлган ёки синтез йўли билан олинган алкалоид;

никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари — электр токи (аккумулятор) ёрдамида никотинли ёки никотинсиз суюқликни (картрижларда, резервуарларда ва бошқа контейнерларда) қиздирадиган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, кўп марта ишлатиладиган мосламалар (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

никотинли снюс — сўриш (шимиш) учун мўлжалланган, ўсимлик хом ашёсидан ва никотиндан ёки унинг ҳосилаларидан, жумладан никотин тузларидан (бундан тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисми, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамаки баргининг майда зарралари мустасно) тайёрланган, чекилмайдиган,



POLAND



POLAND

таркибида никотин мавжуд бўлган, бошқа ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган маҳсулот тури;

никотинли суюқлик — таркибида никотин миқдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлмаган, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳар қандай суюқлик;

никотинсиз суюқлик — таркибида никотин бўлмаган ёки таркибида никотин миқдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлган, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган суюқлик;

носвой — шимиш учун мўлжалланган ҳамда тамакидан ва тамакисиз хом ашёдан (ишқордан, оҳакдан, бўрдан) тайёрланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотлар — чекиш, шимиш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда, шу жумладан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ёрдамида истеъмол қилиш учун фойдаланишга тайёрланган, таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузлари, эритмалари бўлган маҳсулотлар, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотин мавжуд бўлган геллар (бундан қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дори воситалари ва таркибида никотин табиий ҳолда мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари мустасно);

тиббий огоҳлантириш — алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлиғига ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровига (қутисига) жойлаштириладиган алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот;

чекилмайдиган тамаки маҳсулоти — шимиш, чайнаш ёки ҳидлаш учун мўлжалланган тамаки маҳсулоти;

чилиим — тамакининг, шунингдек таркибида тамаки мавжуд бўлмаган маҳсулотларнинг туташ ва (ёки) қиздирилиши натижасида ҳосил бўладиган аэрозолни (буғни, тутунни) нафас орқали ютиш учун фойдаланиладиган мослама бўлиб, унда аэрозол (буғ, тутун) суюқлик солинган идиш (чилиим сувдони) орқали ўтади;

қиздириладиган тамаки маҳсулоти — чекиладиган тамаки маҳсулотининг ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган тамакидан (тамаки аралашмасидан) иборат бўлган, тамакини қиздириш тизимларида фойдаланиш учун мўлжалланган тури;



POLAND



POLAND

электрон сигарета — электр токи (аккумулятор) ёрдамида мосламадаги никотинли ёки никотинсиз суюқликни қиздирадиган ва истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, бир марта ишлатиладиган мослама.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчи шахсларнинг пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- ✓ оиладаги носоғлом муҳит;
- ✓ ташқи муҳитнинг таъсири (криминоген вазият, ахлоқсизлик ва бошқалар);
- ✓ вояга етмаганларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолиши;
- ✓ оила аъзоларининг ўқиш ва иш билан банд бўлмаганлиги;
- ✓ ваколатли давлат органларининг мазкур йўналишда функционал мажбуриятларини тўлақонли бажармаслиги.

Профилактика (катта) инспекторлари маҳалла ҳудудида жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчи шахслар билан қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

биринчидан, маъмурий ҳудудда яшовчи жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчи шахсларни руйхатини шакллантириш;

иккинчидан, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчи шахсларга (МЖТК 56¹-моддасида кўрсатилган нормани қўллаш) нисбатан электрон баъённома расмийлаштириш;

учинчидан, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилувчи шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш;

Профилактика (катта) инспектори ижтимоий профилактика доирасида маҳалла ҳудудида жамоат жойларида мунтазам равишда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчи шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан яқка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказади, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар билан биргаликда касбий лаёқатидан келиб чиқиб касб-хунар ўрганишга жалб қилиш, соғлом ҳаётга қайтариш, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш, шунингдек, ушбу салбий одатга ружу қўйишнинг омилларини бартараф этиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказиш ва комплекс психологик-тиббий реабилитация қилиш чораларини кўради.

Профилактика инспектори маҳаллада соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда профилактик чораларни



POLAND



POLAND

қуйидагича белгилаш лозим:

Маҳалла аҳолисининг тамаки махсулотларини истеъмол қиладиган тоифаси ўртасида профилактик чораларни белгилашда, энг аввало, ушбу тоифадаги шахслар рўйхати шакллантирилади.

Рўйхатни шакллантиришда уларнинг ёши, жинси, маълумоти, руҳий ҳолати, мутахассислиги, касби, иш, ўқиш ва яшаш жойи, оилавий аҳволи, билими, фикрлаши, дунёқараши, қизиқишлари, темпераменти, умуминсоний, миллий, диний қадриятларга, жамият манфаатларига, давлат сиёсатига, танқидга нисбатан муносабати, ишонувчанлиги кабилар билан боғлиқ маълумотларга эга бўлиш талаб этилади.

Улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитларининг олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактик тадбирларни ўтказиш лозим.

Шу билан бирга, жамоат жойларида тамаки махсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилувчи қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш талаб этилади.

Профилактика инспектори томонидан тамаки махсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилувчи шахслар билан амалга ошириладиган ижтимоий профилактик чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

➤ тамаки махсулотларини истеъмол қилувчи шахсларни рўйхатини шакллантириш;

➤ тамаки махсулотларини истеъмол қилувчи шахсларнинг турмуш тарзини, оилавий шароитини, салбий одатларга берилишининг асл сабабларини аниқлаш ҳамда якка тартибдаги ижтимоий профилактик чора-тадбирларни белгилаш;

➤ тамаки махсулотларини истеъмол қилувчи шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш, жумладан бундай салбий одатларга берилиши омилларини бартараф этишга кўмаклашиш;

тамаки махсулотларини истеъмол қилувчи шахсларга ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш ва комплекс психологик-тиббий реабилитация қилиш чораларини кўриш;

Асосий адабиётлар:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Р.А. Хатамов, Т.Б. Маматқулов, А.С. Турсунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.– 288 б.



POLAND



POLAND

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5069150>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6017645>
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябдаги 644-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6272590>
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи.
11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи.